

Protected by PDF Anti-Copy Free  
УРГАНЧ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

**АЖРИМИ**

(даъвои  ан қолдириши ҳақида)

Урганч шаҳри

2023 йил 09 август

Урганч туманлараро иқтисодий судининг раиси, судья Н.Аллаберганова раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Саидовнинг котиблигида, Урганч туманлараро иқтисодий суди биносидаги очиқ суд мажлисида

**Даъвогар:** 



манфаатида

**Жавобгар:** 

дан 81.207.975

сўм асосий қарз, 40.603.987 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

 манфаатида Урганч туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар  дан 81.207.975 сўм асосий қарз, 40.603.987 сўм пеня ундиришни сўраган.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида Хонқа туман фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, жавобгар ва даъвогар вакиллари қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлса-да, унинг вакили иштирок этмади, ариза юзасидан фикр билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасига кўра иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Бундай ҳолатда суд, ишни тарафлар вакилларининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд ишдаги иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвои кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 107-моддасининг биринчи қисми 5<sup>3</sup>-бандига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, суд даъвои кўрмасдан қолдиради.

ИПК 131-моддасига кўра, тарафлар низои келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция



судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжати қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Тарафлар томонидан профессионал медиатор

қўмағида 2023 йил 28 июлда медиатив келишув тузилган.

Шунга асосан, суд тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганлиги сабабли, даъвони кўрмасдан қолдиришни мумкин деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, ишда иштирокчи шахсларнинг суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги келишувига кўра, шбу келишувга мувофиқ ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисми 9-бандида, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қайтарилиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд даъвони кўрмасдан қолдиришни, давлат божини ундирмасдан қолдиришни, почта харажати жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 118, 131 ва 195-моддаларини қўллаб,

### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

манфаатида жавобгардан 81.207.975 сўм асосий қарз, 40.603.987 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Давлат божи ундирилмасдан қолдирилсин.

Жавобгардан даъвогар

фойдасига 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.

Мазкур ажрим устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибида шикоят бериш мумкин.

Судья

Н.Аллаберганова

